# ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТИ

Маълумки, жамият тараққиётининг турли даврларида дин ҳар бир халқнинг тафаккур тарзи, дунё тўғрисидаги тасаввури, маънавияти ва маърифати билан узвий боғлиқ ҳолда унинг юксалишига муҳим ҳисса қўшиб келган. Аммо бу жараён осонликча кечмаган. Сабаби, дин жамият ҳаётида инсон хоҳиш ва эркинлигининг ифодаси, айни пайтда, миллий ва умуминсоний қадрият сифатида ўз ўрнига эга бўлса-да, унга муносабат, талқин этишда ёндашувлар, фикрлар хилма-хилдир. Шу маънода жамият ҳаётида дунёвий илм билан илоҳий илм муносабати ҳамма вақт ҳам оқилона ечимини топа олмаган. Бунга жамият сиёсий тизими, мақсад ва тамойиллари, турли хил ижтимоий-сиёсий кучлар ҳамда гуруҳларнинг манфаатларни англаш даражалари ва унга ёндашувлари ҳам сабаб бўлган ва бўлмоқда.

Дунё халқлари, шу жумладан Шарқ халқлари ҳаётий тажрибаси шуни кўрсатадики, динга маънавий қадрият сифатида унинг инсон ҳаётида, жамиятдаги ўрнига атрофлича ёндошиб ва ҳисобга олиниб, дунёвий ишлар билан боғлаб олиб борилган жойда тараққиёт юксаклик сари юз тутиб, жаҳон цивилизацияси ютуқларидан ажралиб қолмаган. Аксинча, динга бир томонлама устуворлик берилган даврда, айниқса, у ақидага айлантирилиб, ақидапарастлик илдиз отган жойда жаҳолат маънавий тубанлик сари кетилган. Ёки инсон ҳаётида дин мутлоқ инкор этилиб, очиқдан-очиқ даҳрийликка даъво қилинган жамиятда ҳам худди шунга ўхшаш ҳолатни кузатамиз. Бунга собиқ мустабид жамият аниқ мисолдир.

Бундан хулоса шуки, инсон ҳаёти ва дунёқарашида муайян қадрга эга бўлган ҳар бир омил жамиятда ўз эътиборини топиши зарур. Бунда ўзига хос меъёр мавжуд ва унинг ҳисобга олиниши, жамият олдида турган вазифалар билан уйғунлашиб, унга хизмат қилиши мақсадга мувофиқдир. Бу меъёр бугунги кунда Конституциявий асосга қўйилган. Бу диннинг жамият ҳаётидаги ўрнига янгича тафаккур орқали ёндошишнинг ўзига хос ифодасидир.

Мамлакатимизда узоқ йиллар «борлиқ фалсафаси» чуқур ўргатилиб, даҳрийлик сиёсат ва мафкура даражасига кўтарилган бир пайтда, инсон ўз моҳиятини англашдан узоқлашганлиги, тўғрироғи, бегоналаштирилганлиги маълум.

Мустақиллик туфайли турфа фикрлилик шаклланаётган бир пайтда айрим инсонлар тафаккури «қафасдан бўшатилган қуш» узоққа уча олмаганидек, ўз атрофидан нарига ўта олмаяпти. Дунёвий илм билан дин муносабатларини атрофлича таҳлил этишга бироз ожизлик қилмоқда. Аслида дунёвий илм ва дин ягона мақсадга эришишга икки хил қараш, ёндашув эканлигини ҳисобга олиш керак. Уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ёки бирини ҳаддан ташқари бўрттириб, иккинчисининг мавқеини ҳисобга олмаслик ҳам мумкин эмас.

Дунёвий илм билан диний илмнинг фаолият йўналишлари, давлат ва жамиятда тутган мавқеига Конституция асосида қараш лозим. Ислом дини Президентимиз таъкидлаганларидек — бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам аҳлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар, меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга интиладилар. Ёшлар исломий қадрият билан бир қаторда коинот сиру асроригача бўлган дунёвий илмларни ҳам теран ўрганишлари лозим. Адолатли, демократик давлат қуришда диннинг илдизлари муштарак эканлигини таъкидлаган ҳолда, Ўзбекистон дунёвий давлат қуриш тамойилларига таяниб янги жамият қуриш вазифаларини амалга оширмоқда. Бунга мустақил, кўп милатли, кўп динли мамлакатимизда яъни ислом дини билан баробар православие, иудаизм, баптизм, адвентизм, католизм сингари ўндан ортиқ бошқа конфессиялар давлат ишларидан ажратилган ҳолда эркин фаолият кўрсатмоқда.

Виждон эркинлиги — ҳар бир кишининг мустақил, эркин эътиқод ишидир.

У инсон онгли фаолиятининг натижаси сифатида намоён бўладиган жараён. Эътиқод эркинлиги кимнингдир таъсирида эмас, ҳатто ота-она, оила даражасида ҳам, ўзаро муносабатда эркин асосда амалга ошиши зарур.

Мустақиллик туфайли динга бўлган муносабат ўзгарди. Бунинг моҳияти шундан иборатки, унга қадрият, маънавиятнинг ажралмас бўғини сифатида қараш уни жамият ҳаётидаги ўрнини, тарбиядаги ролини тан олишдир. Айрим оилаларда динга қандай асосда мурожаат этилишини оиланинг «хусусий» иши деб тушунмаслик лозим. Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, динга, ҳусусан исломга қадрият, тарбиянинг муҳим омили сифатида ёндашиб, унга эътиқод қилиш ёки қилмасликни эркин қўйиб бераётган, болаларга ёшликдан бошлаб, ўзларини англамасдан диний эътиқодга ўтишларига, уни ёшликдан шакллантиришга, «диний тарбия олган бола ёмон бўлмайди» қабилида иш юритаётган ёки муносабатда бўлаётган, ҳатто унисига ҳам, бунисига ҳам тўла амал килмайдиган тоифадаги оилалар ҳам учрайди. Айрим оилаларда ота-оналар бу йўлда ортиқча раҳнамоликлар қилиб, динни жуда тор тарзда, онгли эътиқодга эмас, кўр-кўрона эътиқод даражасига кўтариб, ундан муайян мақсадлар, манфаатлар кутиб, бу йўлда «виждон эркинлиги» доирасидан чиқаётганларни англамасдан қолмоқдалар. Ҳали ўзлигини тўла англамаган, ўз эътиқодини онгли равишда танламаган ва кўпроқ ўзгалар таъсирида эътиқод йўлига кириб қолганлар эса «виждон эркинлиги»ни рўкач қилиб, турли хил эътиқодсиз хатти-ҳаракатларга қўл урадилар.

Ҳақиқий эътиқод билан сохта эътиқод ўртасида фарқ бор. Ҳақиқий эътиқод қилаётганлар ўз эътиқодларини бировга кўз-кўз қилмайдилар, намойишкороналик билан ундан манфаат кутмайдилар. Бундай инсонлар бу дунёни ва охиратни ўйлаб, айни пайтда дунёвий ишларни, жамият олдидаги ўз вазифасини, бурчини чуқур англайдилар. Унга онгли эътиқод ва фаол муносабатда бўладилар. Ақл, ишонч ва эътиқод муносабати турли кишиларда турлича намоён бўлади. Жамиятда яшаётган ҳар бир инсонда ана шу ҳолат ўзаро муносабатда уйғун бўлиши муҳимдир.

Мустақилликни айрим гуруҳлар томонидан динга нисбатан муносабатда динни жонлантириш, тарғиб-ташвиқ этишнинг янги имконияти деб тушуниш хатодир. Жамиятда дин ҳам, фан ҳам ўз ишини бажариши, ҳуқуқий меъёрлар доирасида фаолият кўрсатиши зарур. Ўзбекистон дунёвий давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйиган. Унинг маъносини ҳар бир киши, ота-оналар, жойлардаги маҳалла фаоллари аниқ тасаввур этишлари зарур. Унга муносабатда тил ва дил бирлиги, сўз ва амалий ҳаётда уйғун бўлиш зарур. Тилда дунёвий тамойиллар, дилда бошқа фикр бўлса, бундан нафақат жамият, айни пайтда диннинг ўзи ҳам зарар кўради.

Улуғ муҳаддис олимлар, алломалар ҳеч қачон дунёвий ишларни диний эътиқод билан қарама-қарши қўймаганлар. Доимо уларни бир-бирига кераклигини, бунга амал қилинмаса, аввало дин зарар кўришини таъкидлаганлар. «Бешикдан қабргача илм изла» дейилган ҳадисда билдирилган фикрлар ҳам бунга асос беради. Нега буни билган ҳолда, бугун айрим ёшлар, ота-оналар ва гуруҳлар динни жамият, миллат, давлат манфаатлари билан боғлаш ўрнига бир томонга оғиб кетиш, экстремистик, жангарилик кайфиятларини шакллантириб, ўз юрти, халқ манфаатларига тўғри келмаган йўлни танламоқдалар? Мамлакатда чуқурислоҳотлар амалга оширилаётган, жамиятни демократиялашуви жараёнларидан бундай кучларнинг носоғлом мақсадда фойдаланишларга уринаётганлиги янада ачинарлидир. Улар жамият барқарорлигига эмас, аксинча, у ёки бу мазҳабни қўллаган ҳолда, мамлакат ичида беқарорлик келиб чиқишига сабабчи бўлиб, халқимиз осойишталигига раҳна солмоқдалар.

Диннинг сиёсатга аралашуви, айрим инсонларнинг диний эътиқод негизида муайян гуруҳларга бирлашиши, оқибатда ҳокимиятга даъво қилишга олиб келади. Диний маросимлардаги дабдабалар, таъмагирлик йўлини тутиш, нафс балосидан холи бўлолмаслик, ёвузликка қўл уриш ислом асосларига, тараққиётга, тинчликка зиддир.

Эътиқод эркинлигининг моҳиятини тўғри тушунмаслик ёки сохта эътиқод орқали ислом ниқоби остида айрим экстремистларнинг мамлакат ичкарисида ва хориждаги кирдикорона ишлари халқимиз манфаатига, танланган тараққиёт йўлимизга асло тўғри келмайди.

Бугун дин мамлакатда барқарорликни, ҳамжиҳатликни, соғлом аҳлоқий қадриятларни, инсоний меҳр-оқибатни тарбиялашга янада фаолроқ хизмат қилиши керак.

**Ибодулла ЭРГАШЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси фалсафа кафедраси мудири, сиёсий фанлар доктори.**




• ДУНЁДА ДУНЁ ЯРАТГАНЛАР

# РАҲМАТ СОТИЛМАЙДИ

Ромитанда Музроб Қосимов деган бир яхши оғайним бор. Тўғрисини айтсам, ўзгармай келаётганларнинг биттаси. Катта-кичик амалларни кўрди. Ўзи айтмоқчи, урилди-сурилди. Аммо ўчоғи сурилгани йўқ. Қора қозони учиб кетгани йўқ. Эли қатори яшаяпти. Ҳовли-жойи бут. Яхшигина боғи бор. Мевалари турли-туман. Ўлиб-тирилиб ҳар бир кўчатга қарайди. Шундан бўлса керак, қишин-ёзин уйидан мева аримайди.

Музроб билан қачон учрашмайлик, боболаримиз қуриб кетган боғлардан ному нишон қолмади деб афсусланамиз. Буни ҳамма билади. То олтмишинчи йилларгача дову дарахтни сушилка деган бало қуритди. Даладаштдаги боғлар гектарларга қўшилиб кетди. Ариқ бўйидагиларини бетон ариқлар қўпориб ташлади.

Лекин бугун барча ўз томорқасига эга-ку. Ҳар ким ўз томорқасида кераклли мевани етиштирса, омборийм тўлади. Бозорда серобчилик бўлади. Қишлоқда яшаб, шаҳарга тушиб мева-чева сотиб олмайди.

– Томорқа бор,– дейди Музроб. – Лекин дангасалар кўп. Мана бизнинг боғимизни олайлик. Мева пишди дегунча қўни-қўшни болалари менинг йўқлигимни пойлайди. Дарахтга чиқиб олиб шохларини синдирадими-ей. Узумга ранг кирди дегунча узиш бошланади.Бир-икки танбеҳ бердим, бўлмади. Оталарига мурожаат қилдим. Ҳа, оталари денг, эртаю-кеч қишлоқ дўкони деворига суяниб гап сотиб ўтиришади. Сизлар ишламайсизларми десам, биз ишлаб бўлдик, энди сиз бойвачча ишланг, дейди. На отасига, на боласига гапим ўтди. Кузда денг, яхши-яхши узум новдаларини кесиб, бир даста қаламча қилдим. Кўтариб қўшнининг ҳовлисига олиб чиқдим. Қўлимдагини кўриб, қўшним сўради:

– Буни кўтариб нима қилиб, юрибсиз, бойвачча?

–Сизга олиб келдим,– дедим.– Мана буни томорқа атрофига экинг. Қишда ўтқазиб қўйсайиз, худо хоҳласа, янаги баҳорда кўкаради. Икки-уч йилда ўзингизнинг узумингиз бўлади. Менам танбеҳ беришдан қутуламан.

– Ҳай майли,– қўйиб кетинг,– деди қўшним.

Орадан ўн кунча вақт ўтди. Эшик тақиллади. Бориб очдим. Қўшнимизнинг ўғли. Қўлида мен берган ток қаламчалари дастаси.

– Ҳа, – дедим.

– Олинг бунийизни,– деди бола. – Отам айтдиларки, бу иш бизнинг қўлимиздан келмас экан...

Ўзимни зўрға босиб олдим.

Бирортаси, жонини койитгиси келмайди. Гала берсанг ейман, урсанг ўламан дейдиганлар. Буларни ернинг уволи тутмайдими–а?

Музробнинг ҳасратидан сўнг бир ривоятни айтиб бердим.

... Қадим замонда бир йўловчи узоқ сафарга чиқибди. Тоғу даштдан ўтиб, чексиз бир саҳрога дуч келибди. Атроф бийдай чўл. Ҳаво эса иссиқ. Юравериб-юраверибтинка-мадори қурибди. На сув бор, на бир парча соя. Ниҳоят олисдан бир дарахт кўринибди. Эмаклаб бўлса-да, ўша дарахт соясига етиб борибди. Энди бошимда соям бор, ўлмайман деб дарахт остига чўзилибди. Осмонга қараб ётса, дарахт шохига иккита қушча келиб қўнибди. Йўловчи қизиқсиниб бу икки жониворга тикилибди. Қушчалар япроқлар орасидаги шохчаларга қўниб олиб, бир-бирига сўз қотибди:

– Қара, ана шу соя-салқинга етгунча барча шерикларимиз жазирамадан қирилиб, ўзларини тап-тап ерга ташлади. Фақат биз иккимизгина бу дарахтга эсон-омон келиб қўндик.

– Ана шу дарахтни экканга раҳмат,– дебди иккинчиси, – агар ана шу дарахт бўлмаганида иккаламиз ҳам ярим йўлда ўлиб кетар эдик.

– Нимасини айтасан. Шундай жойда дарахт экканнинг етти пуштига раҳмат-е!

Дарахт тагида ётган йўловчи бирдан ҳушёр тортибди. Шунча йил яшаб умрида бировдан раҳмат сўзини эшитмаган экан. Каллaсига дарров бир ўй келибди. Ана шу дарахтни сотиб олса, у ҳам раҳмат эшитади. Қушдир, йўловчидир барибир шу гапни айтади.

Ўрнидан турибди-ю, дарахт эккан одамни излаб кетибди. Юриб-юриб, суриштириб-суриштириб топибди.

– Фалон жойдаги дарахтни сиз экканмисиз?

– Ҳа.

– Ана шу дарахтни менга сотинг.

– Текинга олаверинг,– дебди дарахт эккан.

– Йўқ, — дебди йўловчи,– нархини айтинг, қанча бўлса тўлайман.

–Олинг, текин, деяпманку!

Йўловчи астойдил ёлворишга тушибди.

– Жон амаки, шу дарахтни менга сотинг. Мени кўп қийнаманг.

Боғбон ҳайратга тушибди. Бир пайт эккан дарахти бўлса. Ке, дебди, бир синаб кўрай-чи.

– Фалон сўм десам оласизми?

–Оламан.

– Унда ана мунча берасиз.

Йўловчи сўралган пулни дарахт экканга бериб, хурсанд изига қайтибди. Дарахт энди ўзимники бўлди, олқишу раҳмат меники бўлади, деб сотиб олган дарахти соясига чўзилибди. Кўп ўтмай икки йўловчи келиб ундан нарига чўкибди. Дарахт тепасига тикилиб туриб бири-бирига сўз қотибди.

– Оғайни, бу дарахтни эккан одам жуда аҳмоқ экан. Биз томонларда йўловчи ўтадиган жойларга мевали, ҳеч бўлмаса аччиқ олма дарахтини экишади. Чанқоқ босди бўлади деб. Мана соя бору сув йўқ. Томоғимиз эса қуриб кетаяпти. Эккан одам бу ёғини ўйламаган экан-да.

– Бунинг учун биродар, катта фаҳму фаросат керакда, – дебди шериги.

Бу сўзларни эшитган, ҳалиги дарахт сотиб олган йўловчи сапчиб ўрнидан турибди-ю, орқасига қайтибди. Эсига бировнинг дарахтини ўтин қилиб ёққани, ўзгалар боғи мевасини егани, ўзгалар дарахти ёғочидан уй қургани тушибди. Ўша кундан бошлаб, бор ишини йиғиштириб, йўл, ариқ бўйларига мевали дарахт экишга киришибди. Ана шундан сўнггина унга ҳам раҳмат ёғилиб келаверибди...

– Зўр, экан, – деди Музроб, – юринг бу ҳикоянгизни қўшнимга ҳам айтиб беринг.

Бунинг бариси кечаги кундан бугунимизга ўтган воқеалар. Фақат эртак эмас. Бугун ҳар биримизнинг қўли очиқлигимиз, ривоятдаги йўловчи каби ҳамиятимиз бўлиши керак. Ана ўшанда биз дунё ичра ўз дунёмизни яратамиз.

**Сафар БАРНОЕВ.**



• АКС-САДО

# ОГОҲЛИК ҲАҚИҚАТИ

Йўлбошчимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асаридаги «Огоҳ бўлинг, одамлар!», деган даъвати ҳамиша бонг ургандек жаранглаб турувчи, бебаҳо қадриятлар — ўз мустақиллигимизни, тинчлигимизни, жамиятда миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувликни кўз қорачиғидай асрашга иштиёқманд халқимизнинг қалб садосидир. Бинобарин, беназир эркимизни қандай тасарруф этиш, уни бугунги мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд монеъликлардан сақлаш ҳар биримизга боғлиқдир.

«Халқ сўзи» газетасида чоп этилган «Кўнгилдаги бузилиш» сарлавҳали уч қисмдан иборат мақолалар ҳам ана шу китобда айтилган мустақил, осойишта, яратувчилик, изланувчан ҳаётимизга таҳдид солиши мумкин бўлган диний экстремизм ва фундаментализмдан огоҳ қилувчи, ваҳҳобийликнинг моҳиятини, ижтимоий-сиёсий илдизи ва мақсадини очиб берувчи ҳозирги кунда ниҳоятда долзарб бўлган масаланинг ойдинлашишига кўмак берадиган зарур чиқишдир. Зеро, ваҳҳобийлик ўзига хос мураккаб диний-сиёсий ҳодисадир. Экстремист ваҳҳобийлар юртимиз заминида пайдо бўлмаган, ташқаридан мамлакат сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётига аралашиш ниятида тиқиштирилаёттан, мусулмонларнинг тарихий тараққиёт натижасида турмуш тарзига айланиб қолган борлиғига тўғридан-тўғри оммавий қарши чиқишга даъват этмоқда.

Шариатнинг моҳияти ва мақсади кишиларнинг тинч, тотув, дўст, биродар бўлиб яшашини ташкил қилишга қаратилганлиги аён. Ҳадиси Шарифда «шариатда бўлмаган нарсаларни пайдо қилганларга йўл берган кишиларга Оллоҳ таолонинг лаънати бўлсин» деб таъкидланади. Бундан кўринадики, исломда диний ташвиқотдан кўра, маънавий даъват кучли ҳисобланади. Демак аниқки, пайғамбар номидан ёлғонларни тўқиб чиқарувчилар, ўзини бошқалардан эътиқоди, мусулмонлиги учун устун қўювчилар исломда ҳамиша қораланиб келинади. Диндан ҳокимият учун курашда фойдаланишга интилиш, ақидапарастликни ёйиш орқали мусулмонларнинг давлатга ишончини йўққа чиқаришга ҳаракат ҳам худди шундай номаъқул фаолият ҳисобланади. Бугун диний экстремизм ва фундаментализмнинг ваҳҳобийлик шаклидаги хавфини халқ фақат сабр тоқат, бирдамлик, ақл-заковат, ўз ватанига, халқига садоқатлилиги, маънавий етуклиги, иймонлилиги билан енгиши мумкин.

Шахс дунёқарашни, ахлоқини эркин танлаши учун, зўравонлик, тазйиққа қарши тура олиши, керак бўлса унга қарши кураша олиши учун у бир талай ижобий сифатлари билан бирга чуқур илмли бўлиши керак. 1997 йил 29 августда республика Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур бу масаланинг янада такомиллашиши ва истиқболли режаларга кўра ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Мазкур ҳужжатларда қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда биз бугун олий ўқув юртларида ўқитилаётган фанлар, уларнинг дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмаларини жиддий қайта қараб чиқмоғимиз зарур. Бу йўналишда айниқса ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича қилинадиган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ. Бизнинг фикримизча, бу борада биринчи навбатда ижтимоий-гуманитар фанларнинг кетма-кет ўқитилишига кўра системасини ишлаб чиқиш, иккинчидан ҳар бир фаннинг мазмунини бойитиш устида жиддий ишлаш муҳимдир.

Шунингдек, кишиларда илмий ҳаёт фалсафаси мушоҳадаси, тасаввури ва қадрини шакллантирсак, ҳаётимизда ваҳҳобийликка ўхшаш турмушимиз учун ғайритабиий бўлган ҳар қандай даъватларга ҳушёр қарашимиз ва уларга принципал баҳо беришимиз, қарши курашишимиз енгил кўчади.

Талабалар ҳам, жамият аъзоларимиз ҳам қанчалик билимли бўлсалар улар диний нуқтаи назардан ҳам, дунёвий қадриятлар нуқтаи назаридан ҳам, давлатимизнинг талаби нуқтаи назаридан ҳам иззатга, ҳурматга лойиқ инсонлар ҳисобланади. Муҳаммад алайҳиссаломнинг «Барча муслим ва муслималар илм ўрганишлари фарз» деган муқаддас васияти биз учун катта маънавий аҳамиятга эга.

Республика Олий Мажлисининг IX сессиясида Йўлбошчимиз юқори малакали онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммосининг бугунги энг долзарб, эртанги тақдиримизни ҳал қилувчи масала эканлигига тўхталиб, «Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини миллат қадрини бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил жамиятимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин», деган эдилар.

Ҳақиқатан ҳам бугунги мураккаб ижтимоий жараёнларга объектив баҳо бериш, ҳар қандай маданиятдан яхшисини олиб, ёмонини супуриб ташлаш фуқароларимизнинг маънавиятини янада оширишни жиддий талаб қилади. Огоҳлик — буюк қудрат. Огоҳлик ҳаётимиз учун ёт бўлган унсурларга қарши курашда муҳим маънавий қурол ролини ўйнайди.

Бизнинг тараққиётимиз шундай қудратли тўлқинки, у ўзида барча ижобий ва изланувчан кучларни уюштирган, огоҳлик эса уларнинг бош тамойили ҳисобланади.

**М. ШАРИФХЎЖАЕВ,**
**Тошкент молия институти ректори, академик.**
**Н. МАМАТОВ,**
**фалсафа фанлари доктори, профессор.**

ИМОМ АЛ- БУХОРИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1225 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## АЛЛОМА ҲАҚИДА КИТОБ

Буюк ватандошимиз Имом Абу Абдуллох Муҳаммад Ибн Исмоил ал-Бухорийнинг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Кейинги вақтда алломанинг бир қанча асарлари, жумладан, "Ал-Жомеъ ас-саҳийҳ" китоби ўзбек тилида нашр этилди. Эндиликда буюк бобокалонимизнинг сермазмун ва ибратли ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилувчи китоб ҳам босмадан чиқди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан шу йил кузда Имом ал-Бухорий юбилейи ўтказилади. Ана шу қарорда, жумладан, тадбирга бағишлаб унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида илмий-оммабоп китоб яратиш вазифаси ҳам қўйилган. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг шарқшунос олимлари бу ишга жиддий киришдилар. Филология фанлари номзоди Убайдулла Уватовнинг "Имом ал-Бухорий ҳаёти" сарлавҳали рисоласи ана шу ижодий изланиш самараси бўлди.

Китобчага икки араб олими — Аш-шайх Муҳаммад Жалолуддин Ал-Қосимий ад-Димашқий ва Абу Закариё Муҳиддин ибн Шараф ан-Нававийнинг алломага бағишланган асарлари таржимаси ва муаллифнинг кейинги йилларда вақтли матбуотда чоп этилган мақолалари киритилган. Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва илмий фаолиятини ҳар томонлама ўрганишнинг жуда кўп ибратли, тарбиявий жиҳатлари бор. Ул зотдаги илмга чанқоқлик ва улкан хотира, хайрли йўлда ҳар қандай машаққатларга бардошли бўлиш каби хислатлар айниқса ёшлар учун ғоят сабоқлидир.

Имом ал-Бухорий ҳақидаги тасаввуримизни бойитишга хизмат қилувчи рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

(ЎзА)

ТАЪЛИМ

## АМАЛИЙ-ИЖОДИЙ СИНОВ ҲАМ КЕРАК

Ҳеч шубҳасиз, айтиш мумкинки, кейинги йилларда республикамизда абитуриентларни ўқув масканларига тест синовлари асосида қабул қилиш усулининг жорий этилиши ўзининг ижобий самарасини бера бошлади. Бунинг натижасида талабаларнинг билим савиялари бирмунча юксалди, ўқув интизоми тубдан яхшиланди. Тест синовларидан ўтиш чоғидаги рақобатнинг баландлиги эса абитуриентлар орасидан юқори салоҳиятли, билимдон ёшларни танлаб олиш имконини яратди. Лекин ҳар қандай янгиликнинг ижобий жиҳатлари билан бирга, ўзига яраша камчилик ва муаммолари ҳам бўлиши мумкин. Хусусан, тест синовлари ҳам бундан мустасно эмас. Айниқса, юридик ўқув юртларида абитуриентларни ушбу усул билан синовдан ўтказиш чоғида уларнинг мутахассисликка мойиллиги қай даражада эканлигини аниқлашда бу ҳолат яққол кўзга ташланаяпти.

Ушбу усул абитуриентнинг дунёқараши қай даражада эканлигини ҳам ойдинлаштириб беришга ожизлик қилади. Ҳолбуки, келажакда давлат ишида, айниқса, ҳуқуқ-тартибот идораларида фаолият кўрсатадиган ходимларга қўйиладиган талаб ҳарқалай, бошқа касбларни эгаллаш иштиёқидаги абитуриентларникидан фарқли бўлиши керак. Чунки улар келажакда давлат номидан иш кўришади, давлат чиқарган қонунлар ва турли ҳуқуқий ҳужжатларни ҳаётга тадбиқ этиб, уларнинг ижросини бошқалардан талаб қиладилар. Мана шу омиллар эътиборга олинган ҳолда давлатни бошқариш ва ҳуқуқ билан боғлиқ мутахассисликларга иштиёқманд ёшларни танлаб олишда уларнинг дунёқараши, савияси, тарбияси ҳамда билим даражасини аниқлашда алоҳида талаблар жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Шунингдек, бўлажак ҳуқуқшунослар бехато ёза олиш, ўз фикрларини равон ифодалаш, кишилар билан самимий тарзда муносабатда бўлиш, босиқ, вазмин, ўзгаларни тинглай билиш, кўпчилик олдида ёки фавқулодда ҳолатларда ўзини тута билиш, сир сақлаш, абстракт фикрлаб, мантиқий хулоса чиқариш, кучли хотира, шахсий нуқтаи назарини асослай олиш сингари фазилат ҳамда кўникмаларга ҳам эга бўлишлари жуда муҳим. Яна бир жиҳати, бўлажак ҳуқуқшунослар ҳалол, тарбияли, тўғрисўз, қонун-қоидаларга сўзсиз итоат этишлари керак.

Табиийки, талабаликка даъвогар ёшлар орасидан юқоридаги каби сифатларга эга бўлганларини танлаб олишда фақатгина тест синовларининг ўзи камлик қилади. Шуни эътиборга олган ҳолда, ҳуқуқшунослик касбига даъвогар абитуриентлардан дастлаб баён тариқасидаги ёзма имтиҳон олинса, айни муддао бўларди. Айтайлик, ушбу баён детектив ҳикоялар, тарихий ҳодисалар, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ишлар асосида тузилиши мумкин. Баён нафақат эшитган воқеа-ҳодисалар бўйича айнан ёзилиши мумкин, балки абитуриент мазкур масалага ижодий ёндошиб, воқеа-ҳодисани ўзича талқин қилиши, фикрини ривожлантириб, хулоса чиқариши ҳам лозим бўлади. Ушбу синов натижаларини баҳолашда абитуриентнинг грамматик жиҳатдан бехато ёзишидан ташқари воқеа-ҳодисани тўлиқ баён қилиб, унга қай даражада ижодий ёндошганлигига алоҳида аҳамият бериш зарур.

Шу ўринда яна бир муҳим масала хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Модомики, гап бўлажак ҳуқуқшуносларнинг касбий салоҳиятини юксалтириш тўғрисида кетар экан, ўз навбатида, уларнинг одамийлик сифатлари, хулқ-атвори ва тарбияси нечоғлиқ эканлигини ҳам аниқлаб олишимиз керак бўлади. Бундай хусусиятларидан воқиф бўлишда улар билан алоҳида-алоҳида жонли суҳбатлар ўтказиш ёки махсус тузилган психологик тестларни қўллаш яхши самаралар берган бўларди. Бундай суҳбатларни тажрибали мутахассислар, олимлар, амалиёт ходимлари ва оддий, холис кишилар иштирокида ўтказиш мумкин. Суҳбат натижасида қўйиладиган баҳо объектив бўлишини таъминловчи зарур чора ва усуллар етарли. Уларни яна хоҳлаганча мураккаблаштириш мумкин. Алоҳида тузилган психологик тестлар бўйича ҳам абитуриентлар шахсиятидаги юқоридаги сингари сифатларни аниқлаш имкони мавжуд. Бу ўринда кўп йиллардан буён ички ишлар идоралари ва бошқа айрим ташкилотларга ишга кираётган ходимлар ўртасида ўтказилиб келинаётган психологик тестлардан ҳам унумли фойдаланиш мумкин. Қолаверса, ҳозирги кунда хорижий мамлакатларда бундай тестлар ишлаб чиқилган ҳамда ўқув юртларига талабалар қабул қилишда муваффақият билан қўлланилиб келинаяпти.

**М. МИРҲАМИДОВ,**
**доцент.**

## ҚЎЛИНГНИ БЕР, БОЛАКАЙ!




*Қоқилганни суяш, меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизнинг азалий одати. Узоқ тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам бунга мисоллар кўп. Гулистон шаҳридаги Меҳрибонлик уйи фаолиятига назар ташлаб буни янада яққол ҳис қиласиз. Дарвоқе, бу даргоҳ жамоаси яқинда чиройли туҳфа олди. Улар яшаб турган бино жуда қисқа муддатда гўзал қилиб таъмирланди. Бу юмушларга вилоят ҳокимлиги 30 миллион сўм маблағ ажратган эди.*



*Меҳрибонлик уйида болалар турли хил спорт ва маданий ўйинлар билан бирга, халқ амалий санъати, сартарошлик, тикиш-бичиш, тасвирий санъат билан ҳам машғул бўладилар.*

ФОТОНИГОҲ



***СУРАТЛАРДА: (юқоридан) Меҳрибонлик уйи директори Муборак Ғаниевани тарбияланувчилар она деб аташади; 1-синф ўқувчиси, ёш рассом Сарвиноз Камолова; жисмоний тарбия муаллими Рустам Товбоев — Меҳрибонлик уйининг собиқ тарбияланувчиси.***

**Б. ТЎРАЕВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

*Субҳ чоғи...*
*Сиздан нур истар,*
*Осмон қадар тоза*
*кўнгиллар.*
*Чеҳрасида қуёш*
*уйғонган,*
*Кулгилари дарё*
*сингиллар.*



Т. КАРИМОВ
сурат-лавҳаси.





# ОИЛА ЙИЛИ — 1998 ЙИЛДА

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ БАНКИ

*таклиф этади:*

**"ТАЪТИЛ" қисқа муддатли омонати**

**оилавий дам олиш учун маблағ жамғариш имконини беради.**

**"Таътил" омонати 3, 6, 9 ва 12 ойга очилади. Бу омонатда турган маблағга ҳар ойда 3 % фойда қўшилади. Агар ойлик фоизларни олмасангиз, улар омонат суммасига қўшилади ва кейинги ойда уларга ҳам фоиз тўланади. Шундай қилинса, маблағ қанча сақланганига қараб, фоизлар ҳам кўпайиб боради. Яъни, агар маблағингизга 3 ой тегмасангиз, қўшиладиган даромад 7,7 %га, 6 ойда 16 %, 9 ойда 24,9 % ва бир йилда 34,5 %га тўғри келади.**

***Бундай омонатни очиш учун камида 2000 сўм қўйилади.***

**Сиз "Таътил" омонатини Миллий банкнинг ҳар қандай вилоят, туман бўлими ва филиалида очишингиз мумкин. Қўшимча маълумот олмоқчи бўлсангиз, Омонат операциялари бошқармасига мурожаат қилинг. Алоқа учун телефон: 137-62-83, 137-62-81.**

**МИЛЛИЙ БАНК - СИЗНИНГ БАНКИНГИЗ!**


«АЛПОМИШ»НИНГ МИНГ ЙИЛЛИГИГА

## «ҲАМРОЗ» БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Фарғона шаҳар қўғирчоқ театри жамоаси довруғи мамлакатимиз сарҳадларидан анча олисларга ҳам кетган. Яқинда улар Германия Федератив Республикасида ўз санъатларини Рейн бўйи болаларига намойиш этиб қайтишди. Германияликлар «Ўрдакча» мусиқали спектаклини мамнуният билан томоша қилдилар.

Айни кунларда қўғирчоқбозлар халқимизнинг энг қадимий ва севимли «Алпомиш» достонининг 1000 йиллик юбилейи тантаналарига ўзларининг муносиб совғаларини тайёрлашга астойдил киришдилар. Уларга бу хайрли тадбирни амалга оширишда республика «Камолот» жамғармасининг «Ҳамроз» ижодий бирлашмаси яқиндан кўмак беряпти. Бу бирлашмада спектакль учун декорациялар, қўғирчоқлар тайёрланади.

Жамоа ботирлик, садоқат, қаҳрамонлик ва ватанпарварликни улуғловчи спектаклни мустақиллигимизнинг 7 йиллиги тўйига армуғон этишмоқчи.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


# "ТРАНСАЭРО" ЯНГИЛИКЛАРИ

"ТРАНСАЭРО" авиакомпаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Тошкент — Москва орқали

**РИГА** 600 $ дан

**ФРАНКФУРТ, БЕРЛИН** ва Германиянинг бошқа шаҳарлари

*Имтиёзли йўл ҳақи*

**ЛОС-АНЖЕЛЕС** ва АҚШнинг йирик шаҳарларига

Махсус баҳолар

**МОСКВА** 24 майдан эътиборан Тошкент — Москва — Тошкент

ҲАР КУНИ! ( 380 $ дан)

*Доимий йўналишда ва махсус йўл ҳақи билан ўз хизматини тақдим этади. Авиабилетлар ЎзР МБ курси бўйича сўмларда сотилади.*

Авиабилетларни сотиш ва банд қилиш: Халқлар Дўстлиги, 6-а. Телефонлар: (371) 133 9935, 133 7638.
Душанбадан жума кунигача 9.00 дан 18.00 гача. Танаффус 13.00 дан 14.00.
Шанба 9.00 дан 17.00. Якшанба дам олиш куни.

ТРАНСАЭРО АВИАКОМПАНИЯСИ




"ШАМС"
Савдо - саноат гуруҳи
ўзи ишлаб чиқарган
ГУГУРТЛАРНИ
таклиф қилади.
Тел. (369-22) 30341, 37551 (факс).
(3712) 683358.


«Ўзбеккино» Давлат-Акционерлик компанияси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Олий Мажлис депутати, «Ўзбеккино» ДАК кузатув кенгаши аъзоси Абдулла Ориповга падари бузруквори
**Ориф ота УБАЙДУЛЛАЕВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси жамоаси қурилиш материаллари саноати соҳасининг собиқ ходими
**Комилжон МАМАДАЛИЕВ**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Таъмиршунослик» илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти жамоаси лойиҳа бош меъмори
**Каримберди ЮСУПОВ**нинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
*Парламент 133-57-34;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;*
*Иқтисодиёт 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги 136-37-85*
*Маънавият 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт 132-11-15;*
*Котибият 133-10-28;*
*Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 011138, 42797 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
**Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Навбатчи муҳаррир — Н. Жалил.**
**Навбатчи — Т. Абдураҳмонов.**
**Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**
**Босишга топшириш вақти—21.00** *Босишга топширилди: 22.20* 1 2 3 4 5 6